

В результате данных постановлений за последние годы в стране созданы новые высшие учебные заведения. Огромные изменения происходят и в системе детских садов и школ, которые играют решающую роль в воспитании подрастающего поколения. Беспрерывно продолжается работа по созданию и усовершенствованию Президентских, специализированных и творческих школ, внедрению программы «Современная школа». «Школа – вопрос жизни нашего будущего», говорил глава государства. Это должно стать делом и долгом всего общества. Невозможно изменить человека, общество без изменения школы. Нет сомнений в том, что созданные в стране Президентские школы станут важной базой для подготовки кадров нового поколения. Потому что эти образовательные учреждения – целостная система выявления и воспитания талантливых детей, проведения с ними уроков с использованием передовых технологий. Учебные процессы ведутся на английском языке в соответствии с учебными планами и программами, разработанными на основе опыта развитых стран. Главное, в стране создана непрерывная система национального образования «дошкольное образование – школьное образование – высшее образование».

Учитывая потенциал ранее сформировавшихся научных школ в стране, в этом году выбрано развитие математики, химии, биологии, геологии исходя из направлений национальных интересов и развития на современном этапе: потенциал Узбекистана в области математики признан на мировом уровне. Кроме того, сформировались и эффективно работают наши престижные школы функционального анализа и дифференциальных уравнений, теории вероятностей и алгебры. Семеро узбекистанских ученых-математиков являются членами Всемирной Академии наук. Совместные научные проекты реализуются в сотрудничестве с ведущими научными центрами зарубежной науки, в частности, в таких крупных городах, как Бонн, Кембридж, Париж, Сеул.

Главной целью государства и общества в Узбекистане остается и есть полноценная реализация талантов и способностей нашей молодежи, их благородных устремлений, повышение их социальной активности, создание необходимых условий для обретения достойного места в жизни. На территории Узбекистана строятся новые здания школ и центров образования на основе современных требований. Молодежь, которая будет учиться в самых современных учебных заведениях, по выражению Президента страны, является «золотым фондом» Узбекистана. Это говорит о том, что у нас есть все для формирования новых Хорезми, Ибн Сино, Улугбеков, а следовательно и заложен фундамент новой эпохи развития и прогресса Ренессанса в Узбекистане.

ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎРГАНИШ – ЗАМОН ТАЛАБИ

Курбанбаев Джавод Аминбоевич

Чет тиллари факультети декани, Бердақ номидаги ҚДУ

Нукус, Ўзбекистон

Маълумки, бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўқитиш ва ўрганиш масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг 2021 йил 19 май 5117-сонли қарорида аҳоли орасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш ва уларни мукамал ўзлаштириш учун зарур шароитлар яратиш, хорижий тилларни ўқитишнинг халқаро тан олинган дастур ва дарсликлари таълимнинг барча босқичларида жорий этилишини мувофиқлаштириш ҳамда ўқитувчиларда замонавий ўқитиш кўникмаларини ривожлантириш; худудлар, тармоқлар ва таълим муассасаларининг хорижий тилларни ўзлаштирган мутахассисларга эҳтиёжларини таҳлил қилиш натижалари асосида талаб юқори бўлган хорижий тилларни ўқитишни ташкиллаштириш; хорижий тилларни ўқитиш соҳасида «боғча-мактаб-олий таълим ташкилоти-корхона» тамойилидаги узлуксиз таълим занжирини жорий этиш мақсадида аҳолининг барча катламларига мос бўлган тилни ўрганиш бўйича услубиёт ва тавсияларни ишлаб чиқишни мувофиқлаштириш лозимлиги таъкидланган.

Ушбу қарорда кўрсатилган вазифалар ва уларнинг ижроси борасида Қорақалпоқ давлат университетида бир қанча амалий ишлар амалга оширилмоқда.

Хорижий тилларни ўрганиш болалар боғчасидан бошланиб, олий ўқув юртларида ҳам бу жараён давом этмоқда. Қўшимча равишда турли ташкилотларда ходимларнинг чет тилларини ўрганишга бўлган қизиқишини ошириш ва бу орқали ишлаб чиқариш ва самарадорликни ошириш мақсадида қисқа ва узоқ муддатли курслар ташкил қилинди. Ушбу курсларни муваффақиятли тугатган ходимлар халқаро ёки маҳаллий сертификатга эга бўлган тақдирда базавий маошига устама ҳақи тўлаш механизми жорий қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 19 майдаги 312-сон “Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштиришни самарали ташкил этиш чора-тадбирлари

тўғрисида” қарорида 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб, давлат таълим муассасаларининг хорижий тиллар ўқитувчилари лавозимларига ишга янги қабул қилинаётган талабгор камида В2 даражадаги миллий ёки унга тенглаштирилган мос даражадаги халқаро сертификатга эга бўлиши; 2022/2023 ўқув йилига қадар давлат олий таълим муассасаларида фаолият юритаётган барча хорижий тиллар ўқитувчилари камида С1 даражадаги миллий ёки унга тенглаштирилган мос даражадаги халқаро сертификатга эга бўлиши; 2024/2025 ўқув йилига қадар давлат олий таълим муассасаларида фаолият юритаётган касбий фанлар (хорижий тилдан ташқари) ўқитувчиларининг 50 фоизи камида В2 даражадаги миллий ёки унга тенглаштирилган мос даражадаги халқаро сертификатга эга бўлиши; 2024/2025 ўқув йилига қадар умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларида фаолият юритаётган барча хорижий тиллар ўқитувчилари камида В2 даражадаги миллий ёки унга тенглаштирилган мос даражадаги халқаро сертификатга эга бўлиши лозим, каби талаблар белгилаб берилган.

Умумтаълим мактаблари ва олий ўқув юртларида хорижий тиллар таълими сифатини янада яхшилаш мақсадида профессор-ўқитувчиларга устама ҳақи бериш тартиби жорий қилиниши педагогларга жуда катта имконият бўлди ва ҳар бир ўқитувчи ўзига ишонч билан сертификат қўлга киритиш учун ўз устида бетиним меҳнат қилмоқда. Бу фақат ўқитувчининг ижтимоий аҳволининг яхшиланиши эмас, балки, энг асосийси, таълим жараёнининг самарасини оширишга хизмат қилишини таъкидлаш лозим.

Шу ўринда айтиш мумкинки, Қорақалпоқ давлат университетида 115 хорижий тиллар ўқитувчилари фаолият кўрсатаётган бўлиб, бугунги кунгача уларнинг 80% маҳаллий ёки халқаро сертификатни қўлга киритдилар.

Шунингдек, луғатшунослик ҳамда таржима масаласида қорақалпоқ тилидан хорижий тилларга, ёки аксинча таржима қилишда олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари томонидан бир қанча амалий ишлар бажарилмоқда. Немис тили ва адабиёти кафедраси доценти А.Курбанбаев ҳамда Г.Бабаевалар муаллифлигидаги 25 минг сўз ва сўз бирикмаларидан иборат бўлган 37 б.т. ҳажмда 2021 йил Нукусда чоп қилинган “Немисше-қарақалпақша сөзлик” таҳсинга лойиқ. Мазкур кафедра профессор-ўқитувчилари қорақалпоқча-немисча луғатни чоп қилиш арафасида. Шунингдек, қорақалпоқ адабиёти вакиллариининг асарларини инглиз тилига таржима қилиш ишлари жадал олиб борилмоқда. Яқин вақт ичида уларни чоп қилиш режалаштирилган. Аммо, соҳада олиб борилаётган ишлар етарли эмаслиги яққол намоён бўлмоқда. Қорақалпоқ адабиёти дурдоналарини инглиз, немис тилларига, аксинча чет тилларида чоп қилинган асарларни қорақалпоқ тилига ағдариш бўйича ишларни профессионал даражада ривожлантиришимиз замон талаби ҳисобланади.

Қорақалпоғистон Республикасида хорижий тилларни ўқитишга ихтисослаштирилган 17та умумий ўрта таълим мактаблари ташкил этилган бўлиб, ушбу муассасаларнинг 1 си немис тилига, қолганлари эса инглиз тилига йўналтирилган. Уларнинг барчасига Қорақалпоқ давлат университети чет тиллари факультети кафедралари методик таъминот жиҳатидан масъул ва айни пайтда амалий ишлар олиб борилмоқда. Университет раҳбарияти томонидан тасдиқланган йўл-харита асосида таълим жараёнини методик жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ўқувчиларнинг чет тили бўйича тил кўникмаларини мустаҳкамлаш, малакали профессор-ўқитувчиларнинг маҳорат дарсларини ташкил қилиш, хорижий тилларга ўқитиш курслари ва тўғарақлари фаолиятини йўлга қўйиш, шунингдек, ўқувчилар ўртасида кўрик-танловлар ва олимпиадалар ташкил этиш масалаларига асосий эътибор қаратилмоқда.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, хорижий тилларни ўрганиш ва ўқитишга оид қарор ва ҳужжатларда белгиланган аҳамиятли ва долзарб вазифаларни бажариш ниҳоятда муҳимдир. Юртимиз иқтисодиёти, фан ва таълим, маданияти, умуман барча жабҳалари янада тараккий этишида хорижий тилларни ўқитиш ва ўрганиш катта рол ўйнаши шубҳасиз. Чунки, хорижий тилларни пухта ўзлаштирган ходим ўзининг инновацион ғоялари ва илми ва теран билими ёрдамида ҳар қандай ташкилотнинг хорижий ҳамкор ташкилотлар билан ҳамкорлик ишларини йўлга қўйишга катта ҳисса қўшади ва шу орқали жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўринга эга бўлишимизга кафолат беради.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштиришни самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 19 майдаги 312-сон қарори.